

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра рўйхатга олинган юридик шахслар сони 70621 тани ташкил қилиб, шундан 47638 таси ёки 67,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига 36639 та (51,9 фоизи), савдо 9979 та (14,1), саноат 6731 та (9,5), қурилиш 3111 та (4,4), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2907 та (4,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича сони

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	70621	100	47638	100
<i>шу жумладан:</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	36639	51,9	15576	32,7
Саноат	6731	9,5	6251	13,7
Қурилиш	3111	4,4	2890	6,2
Савдо	9979	14,1	9421	18,9
Ташиш ва сақлаш	1080	1,5	1029	2,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2907	4,1	2728	5,7
Ахборот ва алоқа	609	0,9	571	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	741	1,0	716	1,5
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	8824	12,5	8456	18,1


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 5,7 фоизи давлат ва 94,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар ҳисобланади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



Рўйхатга олинган корхоналарнинг 94,3 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар ташкил қилиб, жами нодавлат шаклидаги корхоналарнинг 9,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 8,7 фоизи оилавий корхоналар ва 80,9 фоизи бошқа корхоналар ҳисобига тўғри келди.

Рўйхатга олинган нодавлат мулкидаги хўжалик юритувчи субъектлар (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



2020 йил январь-июнида жами 4792 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (18,1 фоизи), Иштихон (6,6), Самарқанд (7,5), Пастдарғом (7,4), Ургут (7,6), Пайариқ (6,8), Оқдарё (4,1), Каттақўрғон (8,3), Жомбой (4,5), Тайлоқ (3,7) ва Булунғур (4,4 фоизи) туманларига тўғри келди.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 33,4 фоизи савдо, 16,4 фоизи саноат, 27,9 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,7 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,5 қурилиш ҳамда 6,0 фоизи бошқа соҳаларга тўғри келади.

Ҳисобот даврида 487 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони

2020 йил 1 июль ҳолатига вилоятда жами 542 та хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар мавжуд бўлиб, улардан 377 таси қўшма корхоналар, 165 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда




Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг худудлар кесимидағи сони ва улуши

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (237 та ёки 43,7 фоизи), Каттақўрғон шаҳрида (17 та 3,1 фоизи), Ургут (43 та 7,9 фоизи), Жомбой (39 та 7,2 фоизи), Самарқанд (36 та 6,6 фоизи), Оқдарё (26 та 4,8 фоизи), Пастдарғом (27 та 5,0 фоизи), Тайлоқ (14 та 2,6 фоизи), Булунғур (25 та 4,6 фоизи), Нуробод (10 та 1,8 фоизи) ва Каттақўрғон туманлари (12 тадан 1,2 фоизи) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Нарпай (3 та 0,6 фоизи) ва Пахтачи туманларида (9 тадан 1,7 фоизи) ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.


	<i>Сони</i>	<i>улуши, %</i>
Самарқанд вилояти	542	100
Самарқанд ш.	237	43,7
Каттақўрғон ш.	17	3,1
<i>туманлар:</i>		
Оқдарё	26	4,8
Булунғур	25	4,6
Жомбой	39	7,2
Иштихон	13	2,4
Каттақўрғон	12	2,2
Кўшработ	15	2,8
Нарпай	3	0,6
Пайариқ	16	3,0
Пастдарғом	27	5,0
Пахтачи	9	1,7
Самарқанд	36	6,6
Нуробод	10	1,8
Ургут	43	7,9
Тайлоқ	14	2,6

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг худудлар кесимидағи сони, бирликда



Соҳалар кесимида ушбу маълумотлар 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига қаралганда энг кўп саноатда 288 та (53,1 фоиз), савдода 81 та (14,9 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 61 та (11,3 фоиз), бошқа турларида эса 41 та (7,6 фоиз), қурилишда 30 тани (5,5 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 16 та (3,0 фоиз)ни ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқада 4 та (0,7 фоиз), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида 7 та (1,3 фоиз) ҳамда ташиб ва саклашда 14 та (2,6 фоиз)ни ташкил қилган.


Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда



2020 йил январь-июнъ ойлари якуни бўйича вилоятда жами 43 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (17 та), Булунғур (7 та), Ургут, Каттақўрғон, Пастдарғом, Пахтаки ва Жомбой туманларида (2 та), Оқдарё, Иштихон, Нарпай, Пайариқ, Нуробод ва Тайлоқ туманларида (1 тадан) ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича қўрадиган бўлсак, асосан саноатда 21 та, савдода 6 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 9 та, қурилишда 3 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1 та ҳамда ташиб ва саклаш турларида 2 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда




Кичик корхона ва микрофирмалар сони

2020 йил 1 июль ҳолатига вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 28953 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йил 1 июль ҳолатига қараганда 21,6 фоизга ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 8949 таси (30,9 фоизи) Самарқанд шаҳрига, 2575 таси (8,9 фоизи) Ургут, 2387 та (8,2 %) Пастдарғом ҳамда 2167 таси (7,5 %) Самарқанд туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил январь-июнь ойлари давомида 4049 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган.

Энг кўп янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари Самарқанд шаҳрида (844 та), Самарқанд (339 та), Пастдарғом (325 та), Ургут (286 та), Иштихон (250 та) ва Пайарик туманларида (190 та) ташкил этилган. Энг кам янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари эса Пахтачи (116 та) ҳамда Кўшработ (162 та) туманларига тўғри келган

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари, бирликда



Оилавий корхоналар сони


Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига 5792 тани ташкил этиб, улардан 5440 таси ёки 93,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 49,5 фоизга ўсган.



Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда


Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг асосий қисми, яъни 1398 таси Самарқанд шаҳрига, 610 таси Пастдарғом, 608 таси Самарқанд ҳамда 445 таси Пайариқ туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони, бирликда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қаралганда оилавий корхоналарнинг 27,9 фоизи ёки 1518 таси саноатда, 29,9 фоизи ёки 1625 таси савдода, 24,8 фоизи ёки 1351 таси яаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 7,8 фоизи ёки 427 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1,0 фоизи ёки 54 таси ахборот ва алоқада, 0,8 фоизи ёки 44 таси қурилишда, 0,7 фоизи ёки 39 таси ташиш ва сақлашда, 0,4 фоизи ёки 20 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида 6,7 фоизи ёки 362 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда



**Корхоналар ва ташкилотларнинг (дехқон ва фермер хўжаликларсиз) худудлар
бўйича тақсимланиши**

(бирликда)

	Рўйхатга олинган			
	01.07.2019 й.	иҷундан: кичик корхона ва микрофирмалар	01.07.2020 й.	иҷундан: кичик корхона ва микрофирмалар
Самарқанд вилояти	30917	25101	37019	30958

Самарқанд ш.	9610	8215	10776	9279
Каттакўрғон ш.	1042	869	1286	1108

туманлар:

Оқдарё	1248	1005	1467	1215
Булунғур	1149	878	1443	1165
Жомбой	1105	857	1379	1129
Иштиҳон	1631	1313	2008	1684
Каттакўрғон	1394	1057	1907	1568
Қўшработ	678	452	919	684
Нарпай	1047	755	1267	974
Пайариқ	1724	1378	2027	1670
Пастдарғом	2517	2036	3118	2613
Пахтачи	787	540	941	681
Самарқанд	2246	1951	2697	2387
Нуробод	862	643	1079	859
Ургут	2625	2153	3163	2669
Тайлоқ	1252	999	1542	1273

Давоми

	Фаолият кўрсатаётган			
	01.07.2019 й.	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар	01.07.2020 й	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар
Самарқанд вилояти	29415	23802	34790	28953
Самарқанд ш.	9194	7879	10353	8949
Каттақўрғон ш.	951	781	1212	1035
<i>туманлар:</i>				
Оқдарё	1146	913	1282	1043
Булунғур	1102	840	1357	1089
Жомбой	1068	832	1340	1102
Иштихон	1556	1249	1840	1529
Каттақўрғон	1339	1010	1785	1456
Кўшработ	655	431	856	623
Нарпай	1008	723	1215	929
Пайариқ	1607	1270	1812	1465
Пастдарғом	2356	1886	2884	2387
Пахтачи	739	506	897	651
Самарқанд	2094	1813	2462	2167
Нуробод	801	586	1004	787
Ургут	2587	2122	3060	2575
Тайлоқ	1212	961	1431	1166

	Фаолият кўрсатмаётган			
	01.07.2019 й.	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар	01.07.2020 й.	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар

Самарқанд вилояти	1502	1299	2229	2005
Самарқанд ш.	416	336	423	330
Каттақўрғон ш.	91	88	74	73

туманлар:

Оқдарё	102	92	185	172
Булунғур	47	38	86	76
Жомбой	37	25	39	27
Иштиҳон	75	64	168	155
Каттақўрғон	55	47	122	112
Қўшработ	23	21	63	61
Нарпай	39	32	52	45
Пайариқ	117	108	215	205
Пастдарғом	161	150	234	226
Пахтачи	48	34	44	30
Самарқанд	152	138	235	220
Нуробод	61	57	75	72
Ургут	38	31	103	94
Тайлоқ	40	38	111	107

Давоми

	Янги ташкил этилган			
	2019 йил январь-июнь ойларида	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар	2020 йил январь-июнь ойларида	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар
Самарқанд вилояти	5039	4806	4127	4049
Самарқанд ш.	1550	1503	868	844
Каттақўрғон ш.	125	121	167	165
<i>туманлар:</i>				
Оқдарё	209	188	171	169
Булунғур	185	171	200	193
Жомбой	234	216	197	195
Иштихон	318	306	252	250
Каттақўрғон	201	196	341	337
Қўшработ	111	101	167	162
Нарпай	121	113	160	159
Пайариқ	279	264	195	190
Пастдарғом	410	396	330	325
Пахтачи	121	116	122	116
Самарқанд	481	467	342	339
Нуробод	142	125	152	151
Ургут	333	313	294	286
Тайлоқ	219	210	169	168

Давоми

	Фаолияти тугатилган			
	2019 йил январь-июнь ойларида	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар	2020 йил январь- июнь ойларида	шундан: кичик корхона ва микрофирмалар

Самарқанд вилояти	418	359	381	365
Самарқанд ш.	160	150	58	57
Каттақўрғон ш.	23	22	16	15

туманлар:

Оқдарё	10	8	27	27
Булунғур	26	11	7	6
Жомбой	11	9	23	23
Иштиҳон	38	34	13	11
Каттақўрғон	1		33	25
Қўшработ	19	17	1	1
Нарпай	19	18	3	3
Пайариқ	11	10	8	8
Пастдарғом	33	22	27	26
Пахтачи	4	3	25	25
Самарқанд	28	24	19	19
Нуробод	6	5	46	44
Ургут	17	15	40	40
Тайлоқ	12	11	35	35